

Аллоҳ сенга кифоя қилсин



11:00 / 13.11.2020 5772

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз розияллоҳу анҳуни Яманга юбораётганларида: «**Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл. Зеро, унинг дуоси билан Аллоҳнинг орасида парда-тўсиқ йўқдир**», дедилар.

Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти.

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрининг чорраҳалардан бирида кичик юк машинаси билан енгил автомашина тўқнашиб кетди. Юк машина ҳайдовчиси суданлик, енгил машина эгаси саудиялик бўлиб, тўқнашув натижасида иккала машинага ҳам жиддий даражада зарар етмади.

Саудиялик жаҳл билан машинасидан тушиб, тўқнашув унинг хатоси натижасида бўлганига қарамай, суданликни ҳақоратлаб, олдига борди-да, юзига тарсаки тортиб юборди. Зарбанинг кучидан суданлик ҳайдовчининг кўзи чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Лекин у «Аллоҳ таоло сенга кифоя қилсин. Ишимни унга топширдим. Сенинг ҳаққингда хато қилган бўлсам, Аллоҳ таолонинг Ўзи мени ҳисоб-китоб қилсин. Агар менга зулм қилган бўлсанг, Аллоҳ таоло сендан кечиктирмасдан, тезлик билан ўч олсин», дея олди, холос.

Суданлик киши воқеанинг давомини шундай ҳикоя қилади: «У ердан кетдим. Ичимда бир олов ёнар, қайта-қайта «Ҳасбияллоҳ, ҳасбияллоҳ

(Аллоҳ таоло менга кифоя қилади)» деб айтардим.

Бир неча кун ўтгач мол бозорига бориб, машинамни бир четга қўйдим. Шу пайт, юзимга тарсаки туширган киши олдимга югуриб келиб, «Мени танияпсанми?» деди. Мен яна ўша кунгидек «У ишни ҳузурида ҳақлар зое бўлмайдиган Зот Аллоҳга топширганман», деб жавоб бердим.

Шу вақт унинг кўзларига ёш келди:

– «Қанийди ўшанда устимдан арз қилганингда ёки мени уриб қасосингни олганингда...

Сен ишингни топширган Зот ўша воқеанинг эртасигаёқ мендан қасос олди. Автоҳалокатга учрадим, икки фарзандим ҳалок бўлди...

Ўн беш кундан бери кўчаларни кезиб, кечирим сўраш, розилигингни олиш учун сени қидираман. Мусибатларга сабр қилдим, уларни зулмим учун дунёда берилган жазо деб билдим. Лекин аниқ ишонаманки, охиратдаги ҳисоб-китобдан қочиб қутулиб бўлмайди. Сендан ўтиниб сўрайман: «Мендан қасосингни ол, хоҳлаган ишингни қил, лекин мени кечир»!

Унинг оғир аҳволда, йиғлаётганини кўриб раҳмим келди.

Унга: “Кечиримли киши ҳурматга сазовордир. Аллоҳ таоло сени кечирсин, гуноҳларингни мағфират қилсин», дедим.

У кетди. Олдимдан узоқлашар экан, қайта-қайта «Аллоҳ таолога қасамки, бундан кейин ҳеч кимга зулм қилмайман»!, деб айтарди.

Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўлинг. Одамларга озор бериб, «Табиатан шундай одамман», деб ўзингизни оқламанг. Жим турган ҳар қандай киши жавоб қайтаришдан ожиз эмас. Шундай кишилар бўладики, қалби оғриётгани, агар гапирса, бу оғриқ янада кучайиб кетиши туфайли жим туради. Шундайлар бўладики, гапирган гапи фойда бермаслигини билгани учун ҳам сукут сақлайди. Яна шундай одамлар бўладики, бошқаларга зарар етказмаслик учун ғазабини ютади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

«Мазлумнинг дуосидан сақланинглр. Зеро, у булутга кўтарилади. Аллоҳ: «Иззатим ва улуғлигимга қасамки, гарчи озгинадан кейин бўлса-да сенга, албатта, ёрдам бераман», дейди».

Имом Таброний ривояти.

Билмаганларга билдирганлар ва унутганларга, эслатганларга Ўзи ёрдамчи, ҳимоячи ва кўмакчи бўлсин! Аллоҳ таоло барчамизни мазкур воқеадан ибрат оладиган ва ёмон амаллардан сақланадиганлардан қилсин!

«Кулол-қўрғон» жоме масжиди имом ноиби Баҳодир Муҳаммад